ГРАДУАЛЛИК КАТЕГОРИЯСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДА КОНЦЕПТУАЛ-КОГНИТИВ ЁНДАШУВ

Н.Р.Маҳмудова

Градация ҳодисасининг кенг тарқалганлиги уни чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ этишни тақозо этади. Мақолада градуаллик категориясини концептуал-когнитив жиҳатдан тадқиқ этиш масалалари ёритилади, зеро ушбу ёндашув матн ҳосил бўлиш механизмларини тушунишга ёрдам беради.

Калит сўзлар: *градуаллик категорияси, когнитив матрица, концептуал асос, прототип асос, турдош категориялар.*

Широкое распространение градации диктует необходимость ее глубокого осмысления и разностороннего изучения. Выявление коммуникативно-концептуальной нагрузки градации обеспечивает возможность глубокого осмысления механизмов порождения и понимания текста.

Ключевые слова: *категория градуальности, когнитивная матрица, концептуальная основа, прототипическая основа, родственные категории.*

High prevalence of graduation dictates the need for its comprehensive study. The identification of a communicative-conceptual load of gradation provides the opportunity to study the mechanisms of generation and understanding the text.

Key words: *category of gradation, cognitive matrix, conceptual basis, prototypical basis, related categories.*

Тилга нисбатан когнитив ёндашув марказида билимларни тизимлаш жараёнлари ва уларни вербаллаштириш усуллари мужассам. Е.С.Кубрякованинг ўринли таъкидлашича, «тил дунёнинг инсон онги томонидан қандай кўрилган ва тушунилганлигини, онг томонидан қандай талқин этилиб, тоифалаштирилганини аниқлайди ва объектларга бўлиш орқали акс эттиради. Ҳар бир лисоний бирлик ва айниқса ҳар бир лисоний тоифа когнитив жараёнларнинг намойиши сифатида ва уларнинг специфик натижалари сифатида кўриб чиқилиши мумкин» [3.57].

Бу жараёнларда инсон ва унга хос бўлган атроф дунё ҳақидаги ахборотни талқин этиш қобилияти муҳим ўрин тутади. Шу боисдан ҳозирги вақтда инсон омилининг тилдаги ўрни [4] ва тилнинг антропоцентрик хусусияти [1,3] ҳақидаги масалалар бежизга шунчалик фаол муҳокама этилаётгани йўқ. Антропоцентризмнинг моҳияти шундан иборатки, лисоний воситалар орқали атрофдаги воқелик ҳақидаги билимларни етказар экан, инсон уларни ўз ҳиссиётлари, муносабатлари ва қабул қилиш жараёнлари орқали ўтказиб ўзлаштиради. Бундай ёндашув лисоний бирликлар томонидан акс эттириладиган инсоннинг дунёга қарашини ўрганиш ва таърифлашни назарда тутади. Бундай ёндашувнинг аҳамияти катта эканлиги кўп бора таъкидланган (Э. Бенвенист, Н.Н.Болдырев, Е.С.Кубрякова, Ю.С.Степанов ва бошқ.). Бунда инсон онгининг талқин этувчи (баҳоловчи) фаолиятига алоҳида урғу берилган (Н.Н.Болдырев, Е.С.Кубрякова, М.В.Никитин, Р.М.Фрумкина ва бошқ.).

Градуаллик категориясига бундай нуқтаи назардан қараш унинг модус хусусиятини ва у билан боғлиқ мазмуннинг кўп қиррали эканлигини кўрсатиш имконини беради.

Градуатор-равишларни турли тиллар материалида тадқиқ қилишда бу бирликларга интенсивлик [5, 7], кучайтириш, баҳолаш [2, 6, 8] категориясини амалга ошириш воситаларининг функцияларини тиркашга уринишлар амалга оширилганди. Бу градуаллик билан турдош билим соҳаларининг мавжудлигидан далолат берадики, улар фонга хос соҳалар ҳисобланади. Фонга оид билимлар тушунчаси Е.М.Верещагин ва В.Г.Костомаров томонидан «коммуникатив акт иштирокчилари учун умумий бўлган, мулоқот чоғида ўзаро англашувни таъминловчи билим», дея таърифланган. Тезаурусга кўра, фонга оид билим деганда билимларнинг бирор-бир соҳаси ҳақидаги маълумотлар мажмуини тушуниш мумкинки, у субъектга ушбу соҳада тўғри мўлжал олишга имкон беради. Шу тариқа, фон билимлари тушунчаси мўлжалга йўналтириш функциясини бажаради. Когнитив лингвистикада лисоний бирликлар маъносини шакллантириш жараёнларида асосий ўрин тутувчи ахборотни таърифлаш учун когнитив соҳа тушунчаси киритилган эди.

Концептуал (когнитив) соҳа тушунчаси кўпгина олимлар томонидан инсон томонидан атроф дунё билан ўзаро таъсирлашув натижасида олинган билимлар мажмуи сифатида кўриб чиқилганди [9, 10 ва б.]. «Градуаллик» тушунчаси маъносини шакллантиришда асосий ўрин тутувчи билим соҳаларини аниқлаш ушбу тадқиқот учун муҳим аҳамият

касб этади. Айтиш керакки, ҳозирги пайтда лингвистикада билимнинг мураккаб шакллари лисоний бирлик мазмунини талқин этиш учун когнитив контекстни шакллантирувчи соҳаларни таҳлилга жалб этиш ҳисобга тўғри таърифланиши мумкинлиги тўғрисидаги тасаввур юзага келган. Бу ҳолатни когнитив матрица мисолида кўриш мумкин.

Когнитив матрица тушунчаси Р.Лангакер [10] томонидан илк бор қўлланилган бўлиб ва лингвистик таҳлилда «лисоний бирлик маъносининг негизи бўлиб хизмат қилувчи билимлар конфигурациясини таърифлаш» учун ишлатиладиган бўлди [1, 9]. Когнитив матрица муайян «билим формати»дан иборат бўлиб, «лисоний бирликларнинг <…> мазмунини шакллантириш учун когнитив контекст тури» сифатида кўриб чиқилиши мумкин [1.5]. «Градуаллик» концептининг унинг мазмуни манбаи бўлган соҳалар билан турли алоқаларини акс эттириш зарур. Градуаллик категориясининг асоси бўлган билимнинг табиатини тушуниш учун аввало бу категориянинг концептуал асосини кўриб чиқиш лозим.

Биз томонимиздан тадқиқ этилаётган градуаллик категорияси «градуаллик» концепти асосига қурилган. «Градуаллик» концептини талқин этишнинг прототипик воситалари *to gradate, gradation, gradual, gradually* каби лисоний бирликлардан иборат. Уларнинг луғатдаги маъноларини таҳлил қилган ҳолда маънонинг умумлаштирилган компонентларини аниқлаш мумкинки, улар концептнинг мазмунини ташкил қилади:

to gradate – *1) pass or cause to pass by gradations from one shade of colour to another; 2) arrange in steps or grades of size, amount, or quality;*

Gradation *– 1) any of the small changes or levels which something is divided into; the process or result of something changing gradually; graduation of color, graduation of size.*

2) a mark showing a division on a scale: the graduation on a thermometer. [11.673-674];

Gradual *– happening or developing slowly and by degrees; not sudden: a gradual slope, a gradual phasing out of the old equipment* [12.603]*;*

Gradually *– slowly, over a long period of time: The weather gradually improved. Gradually, the children began to understand.* [11.674];

Градация – аста-секин баландлатиш, кучайтириш, даража, босқич. Нутқ парчаларидан бири иккинчисининг маъносини (мазмунини) кучайтириб боришидан иборат услубий восита [13.I. 510]

«Градуаллик» концептининг мазмуни борасида қуйидаги маънога оид йўналишлар кўрсатилади:

1) воқеанинг ривожланишида босқичларнинг борлиги ёки объект томонидан белгининг намоён этилишида даражалар борлиги;

2) воқеа ривожидаги ўзгаришлар ёки белгини намойиш қилишдаги ўзгаришларга оид муайян стандарт (меъёрнинг) мавжудлиги;

3) намоён этилаётган белгида миқдорга оид тавсифларни кўрсатиш.

Ушбу тавсифлар градуаллик категориясининг концептуал негизи сифатида намоён бўлади. Улардаги «миқдорий тавсифлар», «стандарт (меъёр)» каби мазмун компонентлари градуалликни барпо этишда ўзаро таъсирлашадиган билим соҳаларига ишора қилади.

Модус (баҳоловчи ёки интерпретацияловчи) категория деганда, Н.Н.Болдырев фикрига қўшилган ҳолда, «гапирувчи томонидан у ёки бу концептуал мазмуннинг турлича талқин этилиши ва шу асосда алоҳида маъноларни шакллантириш имкониятини таъминловчи» категория тушунилади [1.9]. Модус категориялари билим шакли сифатида ўзида лисоний концептни, уни талқин этишнинг лисоний воситаларини билишни, шунингдек, бу воситаларнинг категорияда бирлаштиришнинг турли тамойилларини билишни мужассамлаштиради.

Шу тариқа, барча айтилганларга хулоса ясаб, таъкидлаш мумкинки, «градуаллик» категорияси кўпқирралидир. Градуациялаш жараёнида инсон миқдор, шкала, меъёр тушунчаларига таянади. Шунингдек «градуаллик» категорияси шу туфайли модус хусусиятига эгаки, унинг шаклланиши асосида инсоннинг баҳолаш фаолияти натижалари мужассам. Градуаллик категориясининг кўпқиррали хусусиятини ҳисобга олган ҳолда уни англаш билимларнинг қўшни соҳаларини таърифлаш орқали эришилади.

Бундай ёндашув турли концептуал соҳаларни ва улар ўртасидаги алоқаларни қуйидаги схемада келтирилган билим тузилмаси сифатида кўрсатиш имконини беради:



Схема «градуаллик» категориясининг «шкала», «миқдор», «меъёр» каби турдош категория-

лар билан алоқасини акс эттиради. Меъёр деганда белгининг намоён этилишининг етарли миқдори тушунилади. Миқдор муайян ва номуайян бўлиши мумкин. Номуайян миқдордан фарқли ўлароқ муайян миқдор учун меъёр мўлжал бўлмай қолади. Ноаниқ ҳодисалар соҳасида таянч нуқтаси меъёр ҳисобланадики, унга нисбатан камайиш ёки ошишга йўналганлик аниқланади. Стрелкаларнинг вектор йўналиши меъёрга ана шундай боғлиқликни кўрсатади. Демак, ҳар бир ҳудудда миқдорий белгининг намоён бўлиши кўриниб туради: «етарли бўлмаган», «кам», «катта», «чегаравий» каби ва бу ўз навбатида градуаллик категориясининг кўп жиҳатли хусусияти унинг шаклланишига асос бўлган когнитив механизмларни тадқиқ этишни тақазо этишини англатади.

Адабиётлар:

1. Болдырев Н.Н. О диалектном концепте в когнитивной системе языка // Известия РАН. Серия литературы и языка. – 2006. – Т. 65. – № 3. – С. 3-13.

2. Колесникова С.М. Категория градуальности в современном русском языке: Автореф. дис. … д-ра филол.наук.– М., 1999. – 21 с.

3. Кубрякова Е.С. Язык и знание (на пути получения знаний о языке: части речи с когнитивной точки зрения, роль языка в познании мира). – М.: Языки славянской культуры, 2004. – 560с.

4. Серебренников Б.А. Язык отражает действительность или выражает ее знаковым способом? // Роль человеческого фактора в языке. Язык и картина мира. – М.: Наука, 1988. – С. 70–86.

5. Суворина К.М. Интенсивы в современном английском языке: Автореф. дис. …канд. филол. наук. – М., 1976. – 22 с.

6. Сэпир Э. Градуирование: Семантическое исследование // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 16: Лингвистическая прагматика. – М.: Прогресс, 1985. – С. 43–78.

7. Туранский И.И. Семантическая категория интенсивности в английском языке. – М.: Высш. школа, 1990. – 172 с.

8. Федяева Н.Д. Языковой образ среднего человека в аспекте когнитивный категорий градуальности, дуальности, оценки, нормы: Автореф. дис. … канд.филол.наук. 1 – Воронеж, 2003. – 24 с.

9. Croft W. Cognitive Linguistics / W. Croft, A. Cruse. – Cambridge: Cambridge University Press, 2004. – 356 p.

10. Langacker R.W. A view of linguistic semantics / Langacker R.W. // Topics in Cognitive Linguistics. – Amsterdam (Philadelphia), 1988. – P. 49–90.

11. Oxford Advanced Learner`s Dictionary. Eighth edition. – Uk / India. – Oxford University Press, 2010.

12. Longman Dictionary of English Language and Culture. New edition.– London: Pearson Longman, 2006.

13. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. – Тошкент: ЎзМЭ Давлат илмий нашриёти, 2006-2008.

Андижон давлат университети,
2018 йил 19 апрелда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. С.Солижонов)